

Русия инкилобининг саккизинчи ойинда, болшевикларнинг «Душман билан ярашиб, мамлакатни халокатдан куткарамиз!» деб килич кувватила ҳукуматни Киринскийдан тортиб олгонлари ва ўшал кундан эътиборан Туркистоннинг маркази бўлгон Тошкандда ҳам канча конлар тўқуб, ҳукумат идорасини ўз қўлларига олгонлари, аммо ҳозиргача халк ва мамлакат фойдасига бир пуллик иш кўрсатолмай, балки хорижий кон тўқулишлар устинда Русия дохлинда ҳам уруш чиқариб бутун Русия халқини фалокат ва халокатга тушурмокда бўлгонлари барчага маълум бўлса керак.

Сулҳга келганда, «Тездан, балки январгача душман билан ярашамиз» деб ваъда берган бўлсалар ҳам, бу тўғру-да хануз катъий бир қарор чиқаргонлари маълум эмасдур.

Болшевиклар иш бошига ўтуб олгон кунларда «Биз кичик миллатларга тамом ҳуррият ва истиклол берамиз!» деб хитобномалар воситасила ваъда қилгон бўлсалар ҳам бу қуруқ сўзлари қогоз устидагина қолди. Булар ҳозиргача ҳеч бир миллатнинг мухторият ва истиклолини тасдиқ этмадилар, балки, билъакс, шундай мухторият ва истиклолият эълон этган миллатларга тўп ва пулемут билан муқобала этдилар ва этмақдадилар.

Муфрат «соцсиализм» маслакида бўлгон болшевикларнинг ўз маслакларини қабул этмаган миллатларга ҳуррият ва истиклол бермасликлари аниқ бўлуб қикди.

Булар истайдирларким, Русияда ҳуррият ва истиклолият тилагинда бўлгон миллатлар «соцсиализм» пругроми билан рафтор этсунлар, яъни ҳар миллатда ва ҳар мамлакатда «ишчи, деҳқон вакилларининг шўроси» деган бир ҳукумат ташкил қилиниб, мамлакатнинг идораси шуларга топширилсун. Миллат афродининг бутун ер, мол ва сар-ватлари умумий мулк этиб эълон қилиниб, шул «шўро» ихтиёрига қўйулсун. Шундай бўлмагонда булар ҳеч бир миллатга ҳуррият ва истиклол бермас эмишлар, ҳеч бир миллатнинг ҳуррият ва истиклолини ҳам тасдиқ этмас эмишлар.

Болшевикларнинг бу ғайри табиий тилаклари, бузук гаразлари ҳозиргача Русияда бўлгон ҳеч бир миллат тарафиндан қабул қилинмади. Шунинг учундирки, болшевиклар ўзларига бўйунсунмай «соцсиализм» маслагини қабул этмаган (малорус ва Дўн қозокларидек) миллатлар билан Урушмоқдадир.

Узимизга келганда, 95 просенти мусулмон бўлгон улуг Туркистон ўлкасинда ҳам болшевиклар ўз сўзларини ўтказмак ва бузук маслакларини татбик этмак учун кўллариндан келган чора ва тадбирларга киришмоқдадирлар.

Чунончи, Тошканд шаҳар думасини таркатдилар. Туркистон Мухториятини «мулло ва буржуазлар қарори» деб тасдиқ этмадилар ва Тошкандда Мухторият шодлиги учун намоёиш ясагон мингларча мусулмонларга бир баҳона билан милтик ва пулемут отиб, бир неча гуноҳсиз мусулмон ва русларни ўлдурдилар. Булар ила ҳам муддаолари ҳосил бўлмагоч, ўз тарафдорларини кўпайтуруб, мусулмонлар орасига муҳолифат солмоқ учун мусулмон солдатларини ва мусулмон ишчи-деҳқонларини игво этдилар.

Аммо бу тадбирлар билан уларни ўз тарафларига тортмоқга муваффақ бўлмадилар. Чунки мусулмонлар болшевикларнинг бузук муддаоларини англаб олиб, ўзларини тортдилар, алданмадилар.

Яна мунинг устинда, ўз мақсадларини болшевикларга очикрок аңлатмак учун Туркистондаги бутун мусулмон солдат, ишчи ва деҳқонлар 25 декабрда Хўкандда Ғавқулодда бир съезд ясаб, съездда ҳозир бўлгон 200 нафарча намоёндалар ўтган тўртинчи мусулмонлар қурултойи тарафиндан чиқарулгон қарорларни ҳақли топиб, Туркистон идора ва ҳокимиятининг дарҳол Мухторият ҳукуматига топшурилмоғига қарор чиқардилар.

Кани, энди кўрайлуқ, бу съездга болшевиклар қайси кўз билан қарайлар!.. Нима дерлар!.. Ҳарҳолда болшевик-лар тек турмаслар. Бирор баҳона топиб, бизнинг тинчлигимизни бузарлар, деб гумон киламиз. Чунки буларнинг чин муддаолари ҳануз ҳосил бўлгон эмасдур. Шунинг учун бизларга керакким, бу тўғрида ҳар эҳтимолга қарши ҳозирлик кўрайлуқ. Тамом бирлик билан қуч йигайлуқ. Ўз ҳуррият ва мухториятимизни сақламоқ учун мол ва жонимизни фидо этмакка ҳозир бўлиб турайлуқ.

«Хуррият» газетаси, 1918 йил, 9 январь